

## ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА БОШҚАРУВ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИНИ БАҲОЛАШНИНГ МЕХАНИЗМЛАРИ

Собирова Нозима

АДУ Педагогика институти

Мактабгача таълим факултети магистранти

### Annotation

Development of scientific and methodological training of leaders in the management of continuing education, especially preschool education, in the process of socio-economic, spiritual and educational changes in the Republic of Uzbekistan, developing market economy relations, development in science, technology and information globalization the issue is a pressing issue. Taking into account the social order of the preschool education system, the existing shortcomings in the scientific and methodological training of managers can be overcome by retraining and improving their skills, as well as the organization of independent work on them. The need to equip them with modern pedagogical theories, educational technologies is one of the great tasks facing the industry.

**Key words:** education, potential, knowledge, skill, need, demand, pedagogical technology, tool, educational technology, pedagogical theory.

**Таянч сўзлар:** таълим, салоҳият, билим, кўникма, эҳтиёж, талаб, педагогик технология, восита, таълим технологиялари, педагогик назария.

Таълим ва тарбия энг ноёб капитал сифатида қадрланаётган бугунги шароитда таълим натижаларини баҳолаш самарадорлигини ошириш ва усулларини такомиллаштириш механизмларини жорий етиш орқали барча инсонлар учун сифатли таълим олиш имкониятлари яратилмоқда. Мамлакатимизда таълим-тарбия соҳасига давлат сиёсати даражасида алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда. Бу эса ўз навбатида кадрлар тайёрлаш соҳаси олдига таълим муассасалари фаолияти самарадорлигини замонавий талаблар асосида ошириш вазифасини қўйимоқда. Шу сабабли ҳам бугунги кунда бўлажак мутахассисларни юксак касбий салоҳият ва инсоний сифатларга эга бўлиши талаб етилади. Жаҳон амалиётида муайян мутахассислар касбий компетентлигини такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган илмий изланишларда таълим бошқаруви натижавийлигига алоҳида эътибор берилган бўлиб, бунда асосий урғу таълим сифати менежментига қаратилмоқда. Бу йўналишдаги илмий изланишлар олий таълим тизимини бошқаришнинг назарий-методологик асослари, сифат менежменти ва таълим сифати мониторингини замонавий талаблар асосида такомиллаштириш ҳамда таълим сифати ва самарадорлиги уйғунлигини илмий жиҳатдан асословчи таклифларни ишлаб чиқиши, таълим сифатини баҳолаш тизимини такомиллаштириш масалаларига

қаратилған. Республикаизда кадрлар тайёрлаш соҳасида амалга оширилаётган узлуксиз таълим тизимидағи ислоҳотлар таълим жараёнларини ташкил этиш ва бошқариш механизмларини такомиллаштиришни, ижтимоий-иктисодий ривожланишнинг замонавий талабларига мос келадиган, демократик ва инсонпарварлик тамойилларига асосланган таълим сифати бошқарувини шакллантиришни тақозо этмоқда.

Таълим муассасалари бошқарув фаолияти самарадорлигини баҳолаш бўйича турли хил қарашлар ва турли хил методикалар мавжуд. Яъни, таълим муассасалари бошқарув фаолияти самарадорлигини турли кўрсаткичлар орқали баҳолаши мумкин. Бир томондан, таълим муассасалари бошқарув фаолияти самарадорлигини баҳолаш фақат бошқарувга доир кўрсаткичлар билан амалга оширилиши мумкин, яъни, режалаштириш, ташкиллаштириш, назорат, тартибга солиш, бошқарув аппарати таъминоти учун нисбатан кам харажат қилиш ва ҳоказо. Иккинчи томондан, бошқарув самарадорлиги таълим муассасасидаги педагогик жараёнларнинг ўзгариш динамикаси, ресурсларнинг натижавийлиги, ўтказилаётган ислоҳотларнинг ҳар бир шахс учун таъсир даражасига боғлиқ.

Таълим муассасалари бошқарув фаолияти самарадорлигини баҳолаш – бу таълим муассасасида мавжуд бўлган ресурслар (моддий, инсон) ва воситалардан қай даражада фойдаланганлик, таълим олувчиларнинг жамият аъзоси сифатида қай даражада шаклланганлиги ва давлатнинг ривожига ҳисса қўша оладиган билим ва кўникмаларни қай даражада эгаллаганликларини ўрганувчи восита ҳисобланади, деган хulosага келишимиз мумкин.

Таълим муассасаси бошқарув харажатлари сифатида бошқарув аппаратини сақлаб туришга кетадиган жорий харажатлар, ўкув ва техник воситаларни ишлатиш, ўкув ва техник биноларни сақлаш, бошқарув ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, бошқарув тизимини такомиллаштириш, бошқарув жараёнини автоматлаштириш учун сотиб олинадиган ҳисоблаш техникаси ва бошқа воситалар ҳамда уларни ўрнатиш харажатлари ҳисобга олинади. Бошқарув жараёни самарадорлигини баҳолашда ҳам миқдоран, ҳам сифат жиҳатдан баҳоланадиган кўрсаткичлардан фойдаланилади. Бошқарув аппаратининг унумдорлиги, тежамкорлиги, тезкорлиги, ишончлилигини шундай кўрсаткичлар қаторига киритиш мумкин.

## **ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР:**

- 1.Мирзиёев Ш.М. Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисидаги қарор. 9.09.2017 й., ПҚ-3261, “Халқ сўзи” газетаси. 2017 й., 11 сентябр. 181 (6875)-сон.
- 2.Ўзбекистон Республикасининг Конститутсияси. - Т.: “Ўзбекистон”, 1992.-43-б

3. Азизхұжаева Н. Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат - Т: Низомий номидаги ТДПУ, 2003. - 174 б.
4. Ангеловский К. Учителя и инноватсия. Книга для учителя. - М.: Просвещение, 1991. - 159 с.
5. Абдуқудусов О. А. Интегратив ёндашув - чуқур билим, яхши фазилатларни шакллантириш омили //Халқ таълими. - Т., 2000. - № 3. -Б. 121-123.. - № 2. - Б. 8-12.